

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
”Норин туман Ободонлаштириш
бошкармаси ” раҳбари



М.Мирзахмедова

«29» апрель 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

**« НОРИН ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШКАРМАСИ»**

**Норин тумани Найманабод МФЙ ирригация
тизимини жорий таъмирлаш ишлари**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Норин тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин тумани Найманабод МФЙ иригация тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 135 600 000(Бир юз ўттиз беш миллион олти юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Норин тумани ободонлаштириш бошқармаси” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хакқулобод шаҳри

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин тумани ободонлаштириш бошқармаси” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга жавоб беришини тасдиқловчи хужжатлар ва хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси;
- Машина ва механизмлар рўйхати;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар;
- Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи;
- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойихани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома;

-Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.






3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Норин тумани Найманабод МФЙ ирригация тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Норин тумани Найманабод МФЙ ирригация тизимини жорий таъмирлаш
2	Буюртмачи	Норин тумани ободонлаштириш бошкармаси
3	Буюртма учун асос	Норин тумани Хокимлигининг обод кишлоқ дастури лойиҳаси асосида
4	Объектнинг жойлашган манзили	Норин тумани Хақулбод шаҳар
5	Катнашувчи учун талаблар	Иштирокчилар танлов ҳужжатларига ўзбек ва рус тилида тақдим этиши мумкин. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёنларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: -кайта ташкил этилиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг шартномада белгиланган нархлар ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан йил давоми учун тахминан 135600000 (бир юз ўттиз беш миллион олти юз минг)сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида жорий таъмирлаш ишларини белгиланган вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномалар имзоланган кундан бошлаб 30 кун ичида бажарали имзоланган шартнома 2022 йил 31 декабрь ойига қадар амал қилади
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қондаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Норин тумани ободонлаштириш бошкармасининг "Обод кишлоқ" маблағлари ҳисобидан.

Комиссия аъзолари		Р.Раҳимжонов
Комиссия аъзолари		О.Хайитбоев
Комиссия аъзолари		Н.Назаров
Комиссия аъзолари		О.Ҳамидов
Комиссия аъзолари		Г.Мамаева